INTEGRA INTERNATIONAL®
YOUR GLOBAL ADVANTAGE

«NAZORAT-AUDIT»
AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz

«ELEKTRTARMOQQURILISH» Акциадорлик Жамиятининг 2020 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига салбий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«ELEKTRTARMOQQURILISH» *АЖ таъсисчилари ва рахбариятига*

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

ООО «NAZORAT-AUDIT»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шахри, Миробод тумани, Госпитал кучаси 11/2. Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 150 23 01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувохнома: Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.12.2007 йилда № 545 рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 28.07.2008 йилда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириуви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ № 000067 Лицензияга эга.
Хисоб рақами: 20208000604007713001 ЧЗАКБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО-01046, СТИР 202884570, ХХТУТ 84400. email: ltd_nazorat-audit@mail.ru , web: www.nazorat.uz.
Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган № 05207-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхона тугрисида маълумот:

«ELEKTRTARMOQQURILISH» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шахар Яккасарой тумани, Глинка кўчаси 19 уй.
Тошкент шахар Яккасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 1995 йил 25 сентябрида акциядорлик жамияти шаклида 11-000040-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган бўлиб, 2019 йил 8 октябрида таъсисчилар ва низом жамғармаси суммаси ўзгариши хисобига қайта давлат рўйхатидан ўтказилиб гувохнома берилган.ОКЭД-70100 КФС-100.
Хисоб рақами: 20208000800124981001 Тошкент ш., "Узсаноатқурилишбанки" АТБ Шахристон филиали МФО 00400. СТИР 200626021
Жамият директори Нишанов Батир Тохирович 07.09.2018-07.07.2020й.
Музаффаров Абдулахат Абдухамитович 07.07.2020 дан текшириш санасигача.
Бош хисобчи: Арифханова Нозима Шавкатовна 09.08.2019-04.01.2021й.
Песцова Светлана Николаевна 01.03.2021 дан текшириш санасигача.
Асосий фаолият лтури: Хам Ўзбекистон Республикасида, хам ундан ташкарида халк хужалиги мажмуасининг барча сохаларида электр узатиш линиялари ва нимстанцияларини куриш, монтаж килиш, техник кайта курроллантириш, реконструкция килиш созлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "NAZORAT-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг аудитори Назаров Баходир Нематович, CAP, Аудитор малака сертификати: № 05207 2014 йил 26 апрелда берилган, аудиторлик ташкилоти билан «ELEKTRTARMOQQURILISH» акциядорлик жамияти ўртасида 28.04.2021 йилда тузилган 01/83-21 сонли шартномага асосан «ELEKTRTARMOQQURILISH» акциядорлик жамиятининг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача бўлган даври учун тузилган ва солиқ органига 19.02.2021 йилда тақдим қилинган «Корхона баланси» – форма № 1, 18.02.2021 йилда тақдим қилинган «Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот» – форма № 2 шаклларидан иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «ELEKTRTARMOQQURILISH» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган салбий фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Салбий фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект "ELEKTRTARMOQQURILISH" АЖ томонидан 31 декабр 2020 йил ҳолатига молиявий ҳисоботлар асословчи хужжатлар билан тайёрланмаган, жамиятда мавжуд 1С бухгалтерия дастури билан солиқ органига топширилган молиявий хисоботлар бир бирига тўғри келмайди хамда жамиятда бухгалтерия хисоботилари юритилиши қониқарсиз холатда. Бу эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тасдиклаш имкониятини бермайди.

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city,
tel: +998 95 144 74 55, fax: 8 371 150 23 01, email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz

Салбий фикр

Бизнинг фикримизча салбий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлилиги натижасида "ELEKTRTARMOQQURILISH" АЖнинг 31 декабр 2020 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттирмайди.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти директори: **Б.Н.Назаров.**

Хулоса тузилган сана:

«19» май 2021 йил

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city,
tel: +998 95 144 74 55, fax: 8 371 150 23 01, email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz